



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Доцентлар:

Малака ошириш факультетига қарашли “4-5 курслар акушер гинекологияси” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпиталь жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Патология” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Тиллар” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ЛОР касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “ИКП гематология, ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Ассистентлар:

Малака ошириш факультетига қарашли “Тери-таносил касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика, биофизика ва нормал физиология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпиталь терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Клиник фармакология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпиталь терапия, ички ва касб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Кўз касалликлари” кафедраси

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Тошкент шаҳридаги Олмазор, Чилонзор, Тошкент ва П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежлари ва ТТА қошидаги академик лицей билан бир неча йиллар давомида Тошкент Тиббиёт академияси профессор-педагоглари ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдалар.

Ўқув йили бошида тиббиёт коллежлари барча кафедра ўқитувчиларига фармойиш асосида бириктириб берилди.

Йил давомида кафедра ўқитувчилари бириктирилган ҳамкор тиббиёт коллежлари ва академик лицей ўқувчи ва ўқитувчиларига фанларга оид семинар тренинглар, давра суҳбатлари, илмий конференциялар, турли танловлар ташкил этиб, ўқув-услубий ёрдам бериб бормоқдалар.

2016 йилнинг 1 ярмида кўплаб турли тадбир ва танловлар ўтказилди. Жорий йилнинг 11 февраль куни академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўлими ва “Информатика, биофизика ва нормал физиология кафедраси томонидан ҳамкор тиббиёт коллежлари ва академик лицей ва тиббиёт коллежлари ўртасида “Компьютер билимдонлари” танлови ўтказилди.

Иштирокчилар “Компьютер графикаси бўйича амалий иш”, “Web дастурлаш бўйича масала”, “Фан бўйича тест ечиш” каби шартлар асосида беллашдилар.

Учта тур натижалари бўйича 1 ва 2-ўринни академик лицей, 3-ўринни эса Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчилари эгалладилар. Ҳолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

(Давоми 2-бетда.)



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Тошкент Тиббиёт академияси 2-клиникасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Аждодлар хотираси муқаддас ва барҳаёт” шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жонини қурбон қилган инсонларни хотирлаш, бу йўлда ҳаётини хатарга қўйиб, юрт шаъни, унинг осойишталиги учун жанг қилган ва бугун қарилган гаштини сураётган боболаримиз, фронт ортида меҳнат қилган онахонларимизни қадрлаш, улар ҳолидан хабар олиб туриш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Иккинчи жаҳон уруши дунё тарихидаги энг катта фожиялардан бири бўлди. Унинг оқибатида миллионлаб одамларнинг

ёстиги қуриди. Хусусан, урушда қатнашган ватандошларимиздан 500 мингдан ортиғи жанг майдонларида ҳалок бўлишган, қанчадан-қанчаси бедарак йўқолган ва майиб-мажруҳ, ногирон бўлиб қайтишган.

Бугунги кунда ана шундай мусибатли кунларни бошидан ўтказган кексаларимизга давлатимиз томонидан чексиз ҳурмат-этибор кўрсатилмоқда. Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони бу йўлдаги ишларнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур фармонга биноан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда Тошкент Тиббиёт академияси ва академия клиникаларида хизмат қилган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Қутбиддин НИЗОМОВ



Ҳаётнинг маъноси — мукамал яшамоқдир.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Куни кеча ТТА қошидаги академик лицей залида даволаш факультети ҳамкорлик ишларига масъул Ю.Мусаева ташаббуси билан академик лицей ва ҳамкор тиббиёт коллежларининг тиббиётга қизиқувчан, иқтидорли ўқувчилари ўртасида “Соғлом она – соғлом бола” Давлат дастури доирасида ёш авлоднинг тиббий билимларини, тиббий маданиятини ошириш, уларда тиббий саводхонликни тарбиялаш, бўлажак шифокор онгида касбга меҳр-муҳаббат, беморга малҳам бўлиш руҳиятини шакллантириш мақсадида оила, маҳалла, ўқув масканида соғломлаштириш, турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи масалаларини ижобий ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшиш, тиббиётдаги янгиликлар, кашф этилаётган янги даволаш усуллари борасида билим доирасини кенгайтириш мақсадида “Тиббиёт ниҳоллари-2016” кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда барча тиббиёт коллежлари ва академик лицейдан 1 нафардан иқтидорли ўқувчилар иштирок этдилар.

Танловда иштирокчилар мустақил илмий изланишлари асосида тайёрлаб келган слайдлари, маърузалари билан иштирок этдилар.

Ҳар бир иштирокчига маърузаси асосида саволлар берилди. Уларнинг иштирокчилари ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Танловда Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчиси Малика Абилова “Семизлик касаллиги ва унинг олдини олиш чоралари” мавзусидаги маърузаси учун “Энг яхши нотик” номинациясини, Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Камола Собирова “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари” маърузаси учун “Энг долзарб мавзу” номинациясини, П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи ўқувчиси Бахтиёр Абдулазизов “Даволаш эвакуацияси таъминоти ташкил этиш” маърузаси учун “Энг яхши слайд” номинациясини, академик лицей ўқувчиси Диёра Нурмухаммедова “Семириш касаллиги” номли маърузаси учун “Энг яхши инглиз тилидаги маъруза” номинациясини ва Чилонзор тиббиёт коллежи ўқувчиси Дурдона Ортиқова “Юқумли касалликлар ва унинг олдини олиш” мавзусидаги маърузаси учун “Энг қизиқарли мавзу” номинациясини қўлга киритди.

Иштирокчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2016 йил 12 апрель куни академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўлими ва даволаш факультети ташаббуси билан ҳамкор тиббиёт коллежларининг иқтидорли ўқувчилари иштирокида ТТА мажлислар залида “Моҳир ҳамшира” кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда ҳамкор тиббиёт коллежларининг энг зукко ва чаққон ҳамшира қизлари иштирок этдилар.



ҲАМКОРЛИҚДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Танловда иштирокчилар “Таништирув”, “Тиббиёт оид саволларга жавоб бериш”, “Амалий кўникма”, ва “Эркин мавзу” шартлари бўйича беллашдилар.

Амалий кўникма шартида иштирокчилар белгиланган муддат давомида ўлатга қарши ҳимояланиш кийимини мавжуд қоидаларга амал қилган ҳолда кийиб бердилар. Шартлар ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Танлов якунига кўра Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Камола Собирова “Моҳир ҳамшира” номинациясини, Чилонзор тиббиёт коллежи ўқувчиси Маҳмуд Убайдуллаева “Латофатли ҳамшира” номинациясини, П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи ўқувчиси Наргиза Турсаидова “Зукко ҳамшира” номинациясини, Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчиси Гулрайно Муродуллаева “Чаққон ҳамшира” номинациясини қўлга киритди ва фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2016 йил 14 апрель куни ҳамкор тиббиёт коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида “Президент асарлари билимдони” кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда коллежларнинг 2 нафардан иқтидорли ўқувчилари иштирок этдилар. Танловнинг 1 таништирув шартида иштирокчилар ўзлари туғилиб ўсаётган юрт, оила, таҳсил олаётган ўқув маскани, эришган ютуқлари ва орзу-мақсадлари, қолаверса камол топишларида Президентимиз И. Каримов томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, билим қўққиларини эгаллаш учун давлатимиз томонидан берилётган имкониятлар ва Президентимиз асарларининг ёшларимизнинг баркамоллик даражасига эришишларидаги роли тўғрисида гапириб ўтдилар.

Бундан ташқари иштирокчилар “Президент асарлари”, “Хуқуқий саводхонлик” ва “Маънавият лугати асосида тузилган глоссарий саволларига жавоб бериш” шартлари бўйича беллашдилар.

Танлов шартларига кўра академик лицей ўқувчиси Мафтуна Абдумунинова ва П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи ўқувчиси Ширин Маҳмадуллоева 25 балл билан “Президент асарлари билимдони” номинациясига, академик лицей ўқувчиси Бехруз Қурбонқулов 20 балл билан “Энг билимдон хуқуқшунос” номинациясига,

Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Сайфиддин Қадриддин Ҳожи ва Чилонзор тиббиёт коллежи ўқувчиси Фарида Баратова 18 балл билан “Маънавият билимдони” номинациясига эга бўлдилар.

Иштирокчилар ҳайъат аъзолари томонидан фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

2016 йил 16 апрель куни “Информатика, биофизика ва нормал физиология” кафедраси ташаббуси билан академик лицей ва ҳамкор тиббиёт коллежлари ўқувчилари ўртасида “Ёш физиклар” танлови ўтказилди.

Танловда иштирокчилар “Масала ечиш”, “Фан бўйича тест ечиш”, “Лаборатория ишини бажариш” каби шартлар асосида беллашдилар. Учта тур натижалари бўйича Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси И. Олимжонова 1-ўринни, П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи ўқувчиси З. Асадова 2-ўринни, Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси М. Соатова 3-ўринни эгаллади.

Тошкент Тиббиёт академиясининг академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўйича проректор С. Баймаковнинг 2016 йил №27 – сонли фармойишига биноан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларнинг саломатлик даражасини тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида терапевт, невропатолог, гинеколог, инфекционист-педагоглардан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари: “Асаб касалликлари” каф. асс.Ю. Мусаева; “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” каф. доцент Х.Магзумов; “УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” каф. к.ўқ. Д. Абзалова; “УАШ акушерлик гинекология” кафедраси асс. У. Сағдуллаевлар томонидан Сирдарё тиббиёт коллежида 22 апрелда ўқувчиларнинг саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказиб, улар билан соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена қоидалари, зарарли одатлардан сақланиш ҳақида очиқ суҳбат ўтказилди.

Ш.УСМОНОВА, академик лицей ва коллежлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, Т.Ф.Н.

“СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ”

Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадан-тарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш, шахсий гигиенага риоя қилиш, оқилona овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили шифокор кўригидан ўтиб туриш ва шу каби бошқа кўплаб таркибий қисмлардан иборатдир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси буларни ўз турмуш тарзига тадбиқ этса, соғлом ҳаёт кечиради. Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, қолаверса, узоқ умр кўришнинг ягона асоси соғлом турмуш тарзи эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Соғлом турмуш тарзи – инсонларнинг ўз саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятдир. Соғлом турмуш тарзи мутахассисларнинг фикрича, одамларнинг соғ-саломат бўлишининг, фаол меҳнат қилишнинг, узоқ умр кўришнинг ҳамда бахтли ва саодатли яшашнинг кўйидаги шартлари бор.

Овқатланишни тўғри ташкил қилиш. Бу – кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқатларни киши танасидаги физиологик, биологик талаблар асосида ташкил этиш.

Тўрт маҳалли овқатланиш мақсада мувофиқ; кунлик истеъмолнинг 20-25% и нонуштага, 30-35% - тушликка, 10-15% - толма чойга ва 20-25% - кечки овқатга бўлиниши керак.

Жисмоний фаоллик, ҳаёт – ҳаракатдадир. Инсон кундалик ҳаётида жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирувчи муолажалар билан кўпроқ шуғулланса, унинг танасидаги физиологик, биологик жараёнлар тезлашади ва оқибатда кайфияти кўтарилди, ишчанлиги ортади.

Кун ва ишни биологик режимлар асосида ташкил қилиш. Рухий осойишталик ёки асабий мувозанатни таъминлаш. Ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби одатлардан ўзини тийиш.

Озода-орасталикка риоя қилиш, атроф-муҳитга бўлган муносабат масаласи.

Жинсий тарбия. Барча одамлар фаолияти сингари жинсий муносабатлар ҳам хавфлар билан боғланган. Жуда ҳам эрта никоҳлар ҳамда эрта ҳомиладорлик ёш қизларнинг саломатлигига кучли салбий таъсир кўрсатади. Бутун дунё бўйлаб аёлларнинг ҳомиладор бўлишларининг маъқул бўлган ёши 18 ёшдан 35 ёш-



гачадир. 18 ёшгача бўлган қиз бола ҳомиладор бўла олади, лекин унинг танаси оналикка тайёр бўлмади, бу эса ҳомиладорликнинг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин.

Ёшлар турмуш қуришдан бир ой олдин тиббий кўриқдан ўтишлари лозимлигини унутмасликлари керак. Чунки соғлом фарзанд кўришнинг ўта зарур омилларидан бири соғлом оила қуришдир.

Шунингдек ёш – эрта никоҳлар, яъни балоғатга етмасдан турмуш қуриш, қариндош-уруғлар ўртасида тузилган никоҳ келгусида ногирон, туғма етишмовчиликлари бўлган болаларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш – республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг бош йўналиши бўлган профилактик йўналишнинг бош ричаги ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган юрак, қон-томир, онкологик, айрим асаб, ошқозон - ичак, ўпканинг носпецифик касалликларининг олдини олишда ва улар сабабли келиб чиқадиган ўлим ҳолларини камайтиришда етакчи роль ўйнайди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан бирламчи профилактикани амалга ошириш, давлат, жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамда кўп жиҳатдан аҳолининг ўзига боғлиқ.

Б. МАМАТҚУЛОВ, профессор,
Д. ҚОСИМОВА, доцент

Согласитесь, что сегодня в Узбекистане доступны точные методы диагностики и эффективные схемы лечения. И если человек вовремя обратился к пульмонологу или аллергологу, прошел несложную процедуру диагностики, стал получать регулярную базисную терапию, он имеет возможность свести к минимуму проявления астмы и не допускать ее прогрессирования.

Проблема заключается в том, что к профильным специалистам обращается только один из пяти больных бронхиальной астмой, преимущественно уже в стадии ярко выраженных проявлений.

ДЕНЬ АСТМЫ

Мнение специалиста: «Раньше, когда не было Интернета, пациенты обращались на более ранних стадиях болезни. А сейчас часто приходят те, которые перепробовали уже много всего, что им посоветовали в Интернете. Диагностика из-за этого часто усложняется».

По данным ВОЗ, на сегодняшний день в мире насчитывается более 300 миллионов астматиков. Заболеваемость бронхиальной астмой быстро растет, она охватывает все континенты, и нет сегодня ни одного общества, которое бы могло сказать, что у них ее нет. Бронхиальная





астма – болезнь, претендующая называться «болезнью века». День борьбы с астмой направлен на улучшение диагностики и лечения бронхиальной астмы и отмечается во многих странах с 2016 года в рамках проекта «Global Initiative for Asthma».

Впервые в Узбекистане Всемирный день астмы был проведен в 2003 году, с тех пор приобрел популярность и стал традиционным.

День Астмы-2016 предлагает расширить спектр препаратов: «Больше знаем – лучше лечим».

Фотима ИРСАЛИЕВА,
ассистент кафедры ВОП
с клинической аллергологией,

К.М.Н.



Маълумки “Коррупция” тушунчаси латин тилидаги “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси “коррозия” сўзи “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чиқиб бу сўзнинг ижтимоий кўриниши “ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони англатади.

Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда. Қадимги юнон файласуфи Аристотел шундай деган: “Ҳар қандай давлат тизимида - қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш кераки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим” деб ҳисоблайди. Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда, балки ўша даврнинг илғор ёзувчи, файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга қон, жонга жон”, Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдириб ўтган.

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги

қунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди”, дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Коррупцияга қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Рес-

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

публикаси Прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги; 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 1997 йил 28 майдаги “Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши курашни такомиллаштириш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. БМТ Ривожланиш Дастурининг (“UN Development Program”) назарий таҳлилига кўра коррупциянинг вужудга келишида, ваколат ёки ҳокимиятга, шахсий манфаат ва ўзбошимчалик,

ҳисобдорсизлик ва ошкорасизлик омиллари катта роль ўйнайди.

Миллий қонунчилигимизда мазкур атаманинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас, бироқ халқаро ҳуқуқнинг айрим манбаларида, хусусан, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши Гуруҳларининг 1-сессияси (1995 йил 22-24 февраль, Страсбург)да “Коррупция”га шундай таъриф берилган. “Коррупция – пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахсининг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган, шунингдек, ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат”.

Коррупция – бу шахсий манфаат учун давлат ҳокимияти мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш (Бутунжаҳон банки ҳисоботи, 1997 й.) Бундан ташқари

Президентимиз томонидан ҳам мазкур турдаги жиноят учун шундай таъриф берилган: “Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор. Бу – коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин”. Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун аҳолимиз ва ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонунга ҳурматни шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Д. НОРҚУЛОВ,
ижтимоий фанлар кафедраси
муdiri, профессор

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАРИХИЙ МУЗЕЙИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Баркамол ёш авлодни вояга етказиш, уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга фидойий ҳамда садоқатли қилиб тарбиялаш, академия жамоаси олиб бораётган фаолиятининг бой тарихини сақлаб қолиш, Тошкент Тиббиёт институти ва академияси ташкил бўлиши ҳамда унинг равнақи йўлида ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган олимлар, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг ёрқин хотираларини абадийлаштириш, шунингдек, ушбу мерос билан академия жамоасини доимо таништириб бориш мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси тарихий музейи ташкил этилмоқда. Зеро, мазийга қайтиб иш юритмоқ – хайрлидир, деб бежиз айтилмаган.

Тошкент Тиббиёт академияси музейининг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент Тиббиёт академияси тарихи музейи фаолияти тиббиёт соҳасида олимларимиз яратган илмий мактаблар, уларда олиб борилган изланишлар тўғрисида тиббиёт ва халқ ҳужалиги соҳаларининг ривожига қўшган ҳиссаларини намойиш қилиш ва уларнинг ёрқин хотираларини абадийлаштириш, мана шу меросдан лицей ўқувчилари, Тошкент Тиббиёт академияси талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари, шу билан бирга академияга ташриф буюрувчи меҳмонларни узлуксиз таништириб боришга қаратилган.

Академия тарихий музейи академиядаги таълим-тарбия жараёнларини миллий истиқлол ғоялари тамойилларига монанд равишда олиб боришни таъминлайди ва ташкил этади;

Музей академия факультетлари, кафедралари ва илмий-тадқиқот лабораторияларида, лицейда ҳамда Урганч ва Фарғона шаҳарларидаги филиалларда бажарилган ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ҳамда спорт ишларидаги эришган ютуқларини кузатади ва натижаларини музей экспонатларида намойиш қилади;

Музей экспонатларида академия, факультетлар, филиаллар, лицей ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган кафедралар тарихи, уларда бажарилган ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ишлари, илм-фаннинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган хорижлик ва академия олимлари ҳақида маълумотлар, макетлар, ишланмалар, нашр қилинган ўқув адабиётлари, монографиялар, илмий натижалар бўйича олинган патентлар, авторлик гувоҳномалари, эсдалик совғалари, мукофотлар ва бошқа материаллар акс эттирилиб намойиш этилади;

Музей ижтимоий-сиёсий фанларнинг айрим ўқув машғулотларини, айниқса биринчи курс талабалари ўқув жадвалидаги мураббийлик соати ва „Ўзбекистон тарихи“ фанининг семинар машғулотларини ўтказишни режалаштиради;

Музейда режа ва жадвал асосида тематик давра суҳбатлари, амалий учрашувлар ва семинарлар ташкил қилинади .

Музей экспонатлари вақти-вақти билан янгиланади, таъмирланади ва кўпайтирилиб борилади;

Музейда музей кунлари ва очик эшиклар кунлари ташкил қилиниб бунда мактаб ва лицейлар битирувчилари билан махсус учрашувлар ўтказилади.

Музейда ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги хабарлар унга қизиқувчи ўқувчиларга, талабаларга ва ўқитувчиларга

олдиндан, газеталар, радио ва телевидения орқали, академия сайтида эълонлар сифатида етказилади.





Музей ўзидаги экспонатлар орқали тиббиёт соҳасидаги илмий изланишларда эришилган муваффақиятларни намойиш қилиш билан бирга келажакда қилинадиган илмий изланишлар режасини тузишга ва янги илмий йўналишларга асос солади.

Музейни керакли маълумотлар ва экспонатлар билан жиҳозлаш мақсадида Тиббиёт академияси кафедраларига қуйидаги ахборот хати жўнатилди. Ушбу хатга тўлиқ ва аниқ жавоблар қайтаришларингизни ва музейга қўйиш мумкин бўлган ашёларни топширишларингизни илтимос қиламиз.

Тиббиёт академияси тарихий музейига қўйиш учун кафедрадан тайёрлаб бериладиган маълумотлар ва ашёлар:

1. Кафедранинг номи
2. Ташкил бўлган вақти
3. Кафедра мудирлари (ишлаган йиллари, фотосуратлари)
4. Кафедранинг илмий йўналиши
5. Кафедрада тайёрланган фан докторлари, фан номзодлари, магистрантлари сони.
6. Кафедра жамоасининг (тарихий) фотосуратлари
7. Кафедрада магистратура қачон қайси йўналишда ташкил қилинган .
8. Чет эллар билан илмий ва амалий алоқалар, бу ҳақдаги шартномаларнинг нусхаси.
9. Кафедрада ишлаган ва ишлаётган ўқитувчиларнинг тиббиёт соҳасига қўшган салмоқли ҳиссалари ва янгиликлари, буларни тасдиқловчи ҳужжатлар намуналари.
10. Ҳозирги кунда кафедрада фаолият кўрсатаётган профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистентлар.
11. Кафедра ходимлари томонидан чоп этилган дарслик, ўқув қўлланмалари, муаллифлик гувоҳномаси, ихтирочилик тавсияси , илмий мақолалар.
12. Кафедра ходимлари яратган ноёб ўқув дарсликлари ва китоблари (оригинал нусхаси), патентлар.
13. Давлат мукофоти совриндорлари (Беруний мукофоти, Зулфия мукофоти ва б.)
14. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач унвонига эга бўлган шифокорлар фаолиятини ва эришган ютуқларини намойиш қилувчи материаллар , фото лавҳалар, видеофильмлар ва ҳ.к.
15. Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, Абу Али Ибн Сино стипендияси совриндорлари ва б.қ. тиббиёт соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақидаги ҳужжатлар намуналари.
16. Кафедра ходимлари юбилейларидаги фотоҳужжат, баннерлар, табрик сўзлари ёзилган вазалар ва б.қ. материаллар нусхаси.
17. Кафедрада мавжуд ва музейга қўйиш мумкин бўлган бошқа материаллар, экспонатлар, ноёб китоблар ва бошқа ашёлар.

О. МИРТАЗАЕВ,
Эпидемиология кафедраси профессори



XOTIRASI MANGU USTOZLAR

Har bir inson ulg'ayib, mustaqil hayot kechirar ekan, ortga hech bo'lmaganda bir bora nazar tashlaydi. U o'zining, tengdoshlarining hayotini solishtirib, tahlil qilar ekan, o'zi o'sib ulg'aygan mahallasini yoki umr bo'yi ishlab kelgan ishxonasi ko'z oldida gavdalanadi.

9 may – "Xotira va qadrlash kuni" qalbimizga shunday ezgu tuyg'ular tushirgan Toshkent Tibbiyot Institutining sobiq professor-o'qituvchilari ko'z oldimizga keladi. Shu eslashni xuddi "Shajara"ga o'xshatamiz. Shu shajarani bir sulolasi TTA kafedralarining ilmiy jihatdan gullab-yashnashida juda ko'p ustoz-murabbiylarni mehnnati singan. Ustozlarimizni bizga bergan ilmiy-adabiy meroslari bor, ulardan talabalar, yosh o'qituvchilar foydalanadi.

Ular yaratib ketgan "Maktabni" hozirgi kunda ularning shogirdlari davom ettirib kelayapti.

Toshkent Tibbiyot Akademiyasining zabardast ustozlaridan:

Normal fiziologiya kafedra mudiri, professor Turob Kuchkarovich G'ulomov, biokimyo kafedra mudirlari



professorlar Kamol Xodjiyevich Xodjiyev, Obid Abrorovich Abrorovlardir. Ularning ruhlari shod bo'lsin.
Masuda QODIROVA, Informatika, biofizika va normal fiziologiya kafedra dotsenti, Zumrad QODIROVA, assistent

"AMIR TEMUR – FAXRIMIZ, G'URURIMIZ"

Toshkent Tibbiyot Akademiyasida 2016 yilning 13 aprel kuni rektorat majlislar zalida "Amir Temur – faxrimiz, g'ururimiz" mavzusida tadbir o'tkazildi. Anjuman ishtirokchilari tomonidan Amir Temurni jahon tarixida tutgan o'rni va tarixiy siyosiga alohida to'xtalib, jumladan ilmiy-amaliy anjumaning ochilishi marosimida Toshkent Tibbiyot Akademiyasi ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor, tibbiyot fanlari doktori, professor Bobomurotov Turdiqul Akramovich so'zga chiqib "Amir Temur - buyuk davlat arbobi, yuksak ma'naviyat sohibi" mavzusida o'z fikrini bayon etdi. U o'z ma'ruzasida Amir Temurning buyuk shaxs, yirik davlat arbobi, sarkarda, huquqshunos, iste'dodli me'mor, notiq, ruhshunos, shu bilan birga el-yurtini, xalqini sevganligi haqida ma'lumotlar berib o'tdi.

Toshkent davlat yuridik universiteti professori yuridik fanlari doktori Halim Boboyev so'zga chiqib, "A.Temur va uning jahon tarixida tutgan o'rni va roli" haqida gapirib, Amir Temurni tarix oldidagi xizmati benihoyat katta ekanligi, uning mamlakatda kuchayib ketgan feodal tarqoqlikka barham berganligi,

el-yurtini o'z bayrog'i ostida birlashtira olganligi, markazlashgan yirik feodal davlatni qurganligi, hunarmandchilik, savdo-sotiq va madaniyat rivojiga mustahkam zamin yaratganligi va "Temur va Temuriylar madaniyati", "Temuriylar davlati", haqidagi o'z qarashlarini bildirib o'tdi. Anjumanda Turon fanlar akademiyasi akademigi, tarix fanlari doktori, professor Haydarbek Nazirbekovich Bababekov ishtirok etib, olim o'z ilmiy tadqiqot ishlarini Amir Temur davrida nashr etilgan manbalarni qiyosiy ma'lumotlar asosida o'rganganligini aytib o'tdi. X.N.Bababekov "Temur tuzuklari", Nizomiddin Shomiy, Sharofiddin Ali Yazdiylarning "Zafarnoma"lari, Ibn Arabshoxning "Temur haqidagi xabarlarida taqdir ajoyibotlari" va boshqa asarlari haqida ma'lumotlar berdi. O'z ma'ruzasida sohibqironning bunyodkorlik sohasida yuritgan siyosatiga alohida urgu berib, Amir Temur tomonidan qurilgan madrasalar, masjidlar, xonakohlar, saroylar, bozorlar, qal'alar, kanallar va boshqa inshootlarning son-sanog'i yo'qligi va uning bevosita rahnamoligida bunyod etilganligi, Bibixonim

jome masjidi, Go'ri Amir, Ahmad Yasaviy, Zangi Ota maqbaralari, Oqsaroy, Ko'ksaroy va Shohi Zinda me'moriy obidalarini, Bog'i Chinor, Bog'i Baland, Bog'i Dilkusho, Bog'i Behisht singari o'nlab go'zal saroy-bog'lar barpo etganligi haqida ma'lumotlar berib o'tdi.

TTA Ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri, professor Norqulov Do'stmurod Toshpo'latovich so'zga chiqib, Amir Temur tomonidan yaratilgan "Temur tuzuklari" asariga alohida to'xtalib, sohibqironning hokimiyatga kelishi va uni olib borgan siyosati hamda Amir Temurni hayoti va faoliyatiga to'xtalib, o'sha zamonda yashab ijod qilgan olimu fozillarni asarlaridagi tarixiy va ma'naviy fikrlarni berib o'tdi. Shu bilan birga mustaqillik tufayli ko'p ming yillik boy tariximiz, shu jumladan ulug' bobomiz Amir Temurni o'rganish imkoniyatiga ega bo'lganligimiz haqida o'z fikr mulohazalarini bildirdi.

Respublikamiz taniqli olimlari ishtirokida ilmiy-amaliy anjumanlarni tez-tez o'tkazilib turilishi o'qituvchilar va talabalar tomonidan alohida ta'kidlandi.

Sh. ISKANDAROV,
Ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

31 may – Butun jahon chekishga qarshi kurash kuni

Тутунга яширинган хатар

XXI асрда инсоният бир қатор муаммоларга дуч келди. Биргина глобал исиш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиатни ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарурдир. Аммо таассуфлар бўлсинки, бундай эзгулик ўрнига иллатларга ружу қўйиш авж олаётир. Шундай иллатлардан бири чекишдир. Чекишга муккасидан кетиш оқибатида одамзод ўз умрини хазон қилапти, шу билан бирга наслини ҳам хавф-хатарга қўймоқда.



Бир қарашда оддий ҳолдай кўринган чекиш миллионлаб одамларнинг бошига етаётганини оддий назар билан илғаш қийин. Статистика маълумотларида келтирилишича, Ер юзиде ҳар йили уч миллиондан ортиқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши тахмин қилинаётир. Шу боис айни пайтга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандаликка қарши кенг курашмоқда. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсак, муаммонинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни назоратга олиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ёшларни турмуш тарзи асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонунга асосан, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга шундай маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни зарarli иллатлар таъсиридан асраш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

Тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекмайдиганларга ҳам зарар етказилади. Яъни ундан ажралиб чиқадиган тутун саратон, юрак, ўпка касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ташвишли жиҳати, тутун болаларда ўткир респиратор касалликларини келтириб чиқаради ва бунинг оқибатида мурғак чақалоқларда сурункали касалликлар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари кузатилиши мумкин. ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёдаги 700 миллион бола тамаки тутундан захарланган ва бугун улар бу иллатдан азият чекмоқда.

Кашандалик оқибатида қайд этиладиган ўлим миқдори бошқа гиёҳвандлик моддаларига нисбатан ўн уч баравар кўплиги ҳам унинг инсон организми учун нақадар хавфли эканлигидан далolat беради. Негаки, сигарет тутуни таркибида соғлиқ учун зарarli жуда кўп моддалар мавжуд. Булар орасида сианли бирикма кучли захар ҳисоблангани учун, асосан, ҳашаротларга қарши курашда кенг қўлланилади. Унинг асосини ташкил этувчи никотиннинг 100-120 миллиграмми томир орқали танага юборилса, одам шу ондаёқ ҳалок бўлиши муқаррардир. Шунча миқдордаги никотин эса, бор-йўғи икки қути сигарета таркибида мавжуд.

2016 йил Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили"деб номланди. Бунинг замирида ҳам келажак авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб тарбиялашдек улғувор мақсад мужассам. Зеро ҳар бир киши фарзандининг соғ-саломат, иллатлардан холи бўлиб вояга етишини истайди. Соғлом фарзанд эса соғлом ота-онадан туғилади. Шундай экан, ота-онанинг соғлом турмуш тарзига бирдек риоя қилишига кўп нарса боғлиқ.

Аммо минг таассуфлар бўлсинки, аёллар орасида ҳам очикчасига тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш кузатилмоқда тамаки тутуни таркибида ўсма (саратон) касаллигини юзага келтирувчи 50 дан ортиқ канцероген моддалар бор. Никотин жуда осонлик билан плацентадан ўтади ва шунинг оқибатида ҳомиладаги никотин фоизи онанинг қонидаги никотиндан анча юқори бўлади. Сигарета, папирос, трубка ёки сигарета чекаётган вақтда жуда кўп, никотиндан ҳам зарarliроқ бирикмалар – угар гази, бензопирен ҳамда радиоактив моддалар нафас йўлларига ўтади. Уларнинг бир қисми она ва ҳомила организида пайдо бўлади. Натижада онанинг қон айланиш тизимида сиқилиш ҳосил бўлади, ҳомила кислород танқислигига учраб, унинг ривожланиши секинлашади. Бунинг таъсирида чекувчи оналардан туғилган болалар кўпинча камваззли бўлиб, ҳаётга мослашиши қийинроқ кечади. Уларнинг марказий асаб тизимида нуқсонлар бўлади, тез-тез касалликка чалинувчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Олимларнинг таъкидлашича, онанинг чекиши ҳомила ривожланишини икки мартаба қисқартиради.

Халқимизда "Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал", деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига риоя этсак, ўзимизнинг юриш-туришимизни назорат қилсак, айни муддао бўлур эди.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор аллерголог

